

Эҳтиром

«ГУЛБОҒ»ЛАР НАСИМИ

Мумтоз адабиётда «Бўстон», «Гулистон», «Гулзор»лар кўп. Шоислом Шомухаммедов ўша гуллар маконини сайр қила-қила ўзининг «Гулбоғ»ларини яратди. Мен устоз яратган ҳар бир ибратномани гулга менгзамочкиман. «Гулбоғ»дан «Шогирд эҳтиром» номли бир даста тайёрлаш мумкин. Шогирдликни ўрнига қўя олмаган кишидан ҳеч қачон ҳақиқий устоз чиқмайди.

Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Носир Хусрав, Умар Хайём, Бедил, Жомий, Навоий, Бобур, Нодира, Муқимийларни Ш. Шомухаммедов маънавий-руҳоний устозлари деб билади. Шу устозлар ижодини ўрганиш, талкин этиш домланинг ҳаёт мазмуни бўлди. Мен «Гулбоғ сайри», «Гулбоғ насими» сингари асарларидаги қайси ибратномага диққатни қаратмай, аввало, маънавий устозлар нафасини ҳис қиламан.

Донишманд Жомий «Тутун ҳам олов фарзанди» деган теран маъноли фикрни айтган эди. Ёши улғайган, фарзанд ўстирган одам олов баҳрида тутаётган қўрама азобини яши билади. Шоислом Шомухаммедов тутаётган қўрама – фарзанди етаклаб ҳузурларига кирган ота – олов ҳақида ажойиб

ибрат – ҳикоя битган, ёрқин сўз усталари — Фафур Фулом, Миртемирни бадий ижод соҳасидаги устозлари деб эъозлайди. XX аср ўзбек адабиётининг бу икки чинор – намоёнҳаси ҳақида кўплаб илмий-таҳлилий асарлар, хотиралар, бадиалар ёзилган. Мен унинг митти-митти ибратномаларидан Фафур Фулом, Миртемир ҳақида олам олам маъни ўқаман. Аниқроғи, Шоислом Шомухаммедов устозлар руҳий дунёсини бекам ёритди. «Биби Мариям» шеърини ёзаётган Миртемир ҳолатини ҳали ҳеч ким Шоислом акадай тасвирлай олмаган.

«Шоир» номли кичкинагина ибратда Шоислом ака Фафур Фуломнинг диққатини, ҳам одамшавандалигини, табиатидаги соддаликни самимий ифодалаган.

Шоислом Шомухаммедов или йўлидаги устозлари Е. Бертелс, А. Болдирев, Соҳиб Мирзаев, Сайидзим Ганиевлар ҳақида тўлиб-тошиб, завқ билан гапиради, мисраларда эҳтиромни қайнаб туради.

Устоз десам, кўзимга ёрқин офтоб кўринур, Дилга ҳаёт завқини

Куйган шароб кўринур. Мехрибонликда ота, одамийлик тимсоли, Билимдонлар аро ул



қомус китоб кўринур. Нима деб ёзайин сизга, азизим, Ҳар сўзим ўлчанур мезонингизда. Кошқийди кичик бир юлдуз бўлган, Сир ярақлаб турган осмонингизда.

Шоислом Шомухаммедов буюқлар этагини тутиб – шогирд бўлиб Шоислом домланинг ўзлари ҳам улуг устоз бўлди. Профессор Шоислом

да. Халқимиз – бедилхон, «Шоҳнома»ни билмайдиган ўзбек йўқ. Ҳофиз, Саъдий газалларидан сел бўлмаган аҳли дард топиламанми? Шоислом Шомухаммедов номи тилга олиниши биланоқ Фирдавсий «Шоҳнома»си, Бедил рубоийлари, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий газаллари кўз ўнгимизда намён бўлади.

Ҳар куни филолог талабалар устоз номини эшитади, асарларини мутлоа қилади. Шоислом Шомухаммедов яхши шогирд бўлган. Бугун унинг тенгсиз шогирдлари бор. Шарқшунослик институтининг профессор-ўқитувчилари Шоислом Шомухаммедовни устоз, олим сифатида эъозлайдилар, ҳурматини жойига қўядилар.

Ниҳоят, Шоислом Шомухаммедов мумтоз шоирларга, Миртемир-у Фафур Фуломга шогирд тушиб ўз бетакрор услубини яратди.

Устоз асарларининг биринчи сўзи, жумласиданоқ маъно-мазмун уфуриб туради. Бошқача айтганда, кам сўз орқали кўп маънони акс эттириш ҳаммадан қўлидан келавермайди. Яна бир гап.

Гапни бошлаш эмас, уни чўватмасдан тугата олиш муҳимдир. Шоислом Шомухаммедов ибратларининг ҳаммаси бир банд шеър билан якулланадики, бу улуглиқнинг, истеъдоднинг кўринишидир.

Устоз Шоислом Шомухаммедовнинг яшаш тарзида мумтоз адабиётдан ўтган бир аънана бор. Шарқ шоирлари доим улфат бўлиб, дўст бўлиб, устоз-шогирд бўлиб яшаганлар.

Шоир Жуманиёз Жабборов «Улфатлар маҳжаси»да Шоислом Шомухаммедовга куйдаги мисраларни бағишлайди:

Ҳар ишда, ҳар сўзидан бир низо, Яъни дейлик соат каби интизом. Устозидир Фирдавсий бирла Хайём, Шоисломдир Жомий билан ичган жом, Ижод билан доим бахтиёр бўлсин.

Шоислом Шомухаммедов ҳар томонлама устоз мақомида 80 ёшини нишонламоқда. Домла узок умр кўришда Абдуқолиб Ғиждувоний, Лutfийга шогирдликни давом эттириверсинлар.

Абдуғафур РАСУЛОВ

НЕГА ГИЖИРЛАГАН ЭДИНГ?

Мансабпарастнинг кресло билан суҳбати

О, кресложонгинам, мен сени қанчалар орзу қилганимни билсанг эди. Ниҳоят, таниш-билишлар орқали орзуларим амалга ошди. Илоҳи бўлса эрта-ю кеч сен билан бирга бўлсам дейману, лекин атрофдагиларга гап-сўз қилмасин, деб эл қатори иш вақти туғач ноилоҳ сени ёлғиз ташлаб кетаман. Нима, гапиргандай бўлдингми? Ҳа, тушунарли, таътилга чиқмаслигининг сабабини сўраясанми? Қўйсангчи, менга таътилни нима кераги бор. Ахир ўзинг ўйла, қандай қилиб сенсиз яшаб бўлади? Балки ишонмасан, истасанг қасам ичиб айтаман, нафақа ёшида ҳам ёшимни кичрайтириб бўлса-да, бағрингдан нари кетмайман... Кресложон, сенга нима бўлди? Гижирилдингми? Шошмагин, бу ёкда телефон ҳам жиринглаб қолди.

— Алло?
— Бошқармадан кўнғироқ қилаялман, ишга совуқ-қонлик билан қараб, идорадан ташқарига чиқмай, корхонанинг йиллик иш режаларини пасайтириб юборганингни сабабли раҳбарлик лавозимидан олиндингиз, келиб буйруққа имзо чекинг, иш фаолиятингиз тафтиш қилинади.

— Ё, кресложон, бу қанақаси бўлди, бир челақ совуқ сув қуйилди-я. О, кресложон, оламда нималар бўлапти? Сен-ку менсиз яшай олишингни яхши билман. Аммо мен сенсиз қандай яшашини бир ўйлаб ҳам кўрмайсан-а? Шошма, боя нега гижирилган эдинг-а? Ёки шу гапдан сенга оғирлик қилмадимми ўзи? Эҳ-ҳе, ҳали сен туйғайли диллима қанчалар орзуларим борлигини билмасдингми? Мана, яна телефон жиринглапти, яна бошқармадан бўлса керак, гўшаки олгандан кўра, ўзим бориб келганим маъқулга ўхшайди. Келиш-келмаслигим ҳақида энди бир нима деймайман-у, аммо умр бўйи эс-хушим сен креслода эканини сира унутмасанг дейман. Эҳ-ҳе, сен кимларнинг эс-хушини олмансану?! Майли, ҳозирча хайр, кресложон!

Саидмурод САИДАҲМАД

Мусаввир ва тасаввур

си;

1995 йил Дамча фестивал кўрғазмаси;

1996 йил Анкара галерияси;

1997 йил Париж экспонтернейшл кўрғазмаси;

1997 йил Анкара Селвин галерияси.

1998 йил Анкара Селвин галерияси.

Бугунги кунга келиб,

она, шубҳасиз, унинг илҳом оламларини янада турфа рангларга тўлдирган. Фирдавсийдаги шоирона руҳ доимо тозалikka, гўзалликка интилади.

Зеро, буюқ руҳ истаклари буюқ маданият яралишига туртки бўлади. Фирдавсийдаги ноёб қобилият шундаки, у биз кўпам илғамайдиган нозикликни чуқур фаҳмлайди.

Натюрмортлар унинг ижодиди мав-

ҳаётида тарих узвийлигининг бир халқаси каби таассурот уйғотади.

Натюрморт бир қарашда жонсиз, табиий ва ҳаққонийликни талаб қиладиган санъат тури. Лекин Фирдавсий асарларининг, тўғрироғи, натюрмортларининг композицияси сизни чуқурроқ мушоҳада юритишга ундайди.

Уларда акс этган буюқлар, жиҳозлар, нарсалар мусаввир

ҳаёлий дунёга йўл олади ва томошабинни шу дунёга, шу кайфиятга, воқелиқдан абстракцияга сайр қилдиради.


Мусаввир композицияларида мум чироқнинг ўрни беқийёс. Сабаб, рассом унда боқийликни, ойдинликни, инсон руҳига тушувчи илоҳий шуълани кўради.

Мусаввир бир туркум асарларини «Денгиз қизлари», «Шахмат», «Табиат» номла-

томчиларига айланиб ерга тушмоқда. Шу томчиларнинг бири ичида гўзал аёл акс этган. Бу томчи – аёл ердаги қўлка, унда эса эркак акси келиб кўшилади.

Бу сув бўғлини яна самога кўтарилиб, булутга айланди, айлана ҳаракат яна давом этликни, инсон руҳига тушувчи илоҳий шуълани кўради.

Мусаввир бир туркум асарларини «Денгиз қизлари», «Шахмат», «Табиат» номла-



«Ибрик»

ФИРДАВС

зулари хилма-хиллиги билан ажралиб туради: хотира, соғинч, армон, миллий қадрият, табиат мавзулари. Эски китоблар, сарғайган, титилган саҳифалар, булар аро замон ва маконнинг залворли нафаси сезилади.

Эски араб алифбосининг замон ва вақт юки остида унутилиши, ажодлар ёди қайғуси, булар барчаси замонавийлик ва ўтмиш билан уйғунлашиб, мусаввир кўнглининг ҳолатлари рангларга кўчади. Унутилган маданий ўтмиш — бу миллат ва халқнинг маънавий ҳамда маданий

дунёсида ўз асл ва зифасини унутади, у фақат рассом фикри, фалсафаси, композиция ечимини учун хизмат қиладди, ҳолос.

Ўтмиш билан юзлашган, қолаверса, бизни юзлаштираётган эски китоблар, йиртилган, сарғайган саҳифалар, уринган рўзғор буюмлари, шамдонлар, ўтмиш-келажак-бугун учлигини ифодаловчи мусаввир фантазияси, воқелик аксидир.

Фирдавсий асарлари тарихий, дostonий ва психологик ўзақларга асосланган. Фирдавсий объективликдан ўз дунёсига романтик,

ри билан атайди. Бу асарлар мусаввир ўзлигини, дунёсини миллат ўтмиши ва бугунининг сирли қоршиғида акс эттиради.

МУСАВВИР БИЛАН СУҲБАТ — Инсон ва табиат гўзаллигини тараннум этишда тенги йўқ реализтик услуб турганда, рассомлар нега бошқа услуб ва оқимларга мурожаат қилишади?

— Санъат, тасвирий санъат инсон ва табиат орасидаги масофани яқинлаштиради. Саволингиз бир асарининг композициясини эсимга солди: Қоп-қора булут ёмғир

ифода этдим. Биласизми, бу мавзунини, яъни чархи-фалакни тасвирлашни замонавий ўзбек тасвирий санъатида рассом Жавлон Умарбеков бошлаб берган.

— Ижодингиздаги даврий жараёнлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Инсон шаклланиши жараёнининг ўзи бир композиция. Қарда туғилиб, ўсишининг тафти, оғуши — бу барчаси илк замин. Ижодининг илҳом ўзани — бу киндик қони тўкилган азиз юрт.

Изланиш, ижодда ўзини, ўз йўлигини топиш даврий бўлади, менинг ҳаётимда муҳим воқеа бўлиб муҳрлангани бу Салвадор Дали ижоди билан танишишим бўлган. Институтида бу рассом ижоди ва ҳаётига оид кеча унутирилган эди. Унинг асарлари сюрреалистик услубда ишланганлиги бу услубнинг гайритабиий сирини мени ўзига тортган. Адабиётлардан ўқиб, слайдлардан Даланинг асарларини томоша қилиш иштиёқига тушдим. Диплом ишим ҳам айнан Салвадор Дали таъсирида юзага келди. Бу асар «Абдулла Қодирий ва Отабек» деб аталади.

Асарда ўз тақдирдан қаттиқ изтиробга тушган Отабек ёзувчига мурожаатга келгани тасвирланган. Отабек ва Қодирий учрашуви икки тақдир ва замон зарбасига учраган гап ва қайғудан титраган икки кўнглининг учрашуви эди. Далиона услубнинг миллий талқини илк бора шу йўсинда яратилди.

Кейинчалик бир туркум ишларимда шахмат доналари, оқ ва қора ранглар қоршиғида, тақдирнинг ўйинлари, кимдир шохона, кимдир оддий яшаб ўтишини абадий акс эттиришга интилдим.

Мен асосан натюрморт сериясида ишладим, катологлар чиқардим, кўрғазмалар қилдим.

Эндиги ният янги туркум асарлар яратиш, уларнинг композициялари устида ўйламоқдаман.

— Натюрмортларингизда эски китоблар кўп тасвирланди...

— Араб алифбосида битилган эски китобларни ишлашни

бу иш жараёнида дилдан роҳатланаман. Уларда замон нафаси, миллий қадриятлар, армон руҳи мужассам.

— Фарзандларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

— Рассомнинг фарзандлари рассом устaxonасида катта бўлишади. Шубҳасиз, бу уларда тасвирий санъатга меҳр уйғотди. Ҳасан-Ҳусан ўғилларининг расм чиқишига иштиёқлари 6 ёшдан сезилган. Истеъдодлари бор. Лекин касб танлашни уларнинг ўзига қўйиб бераман.

Натюрморт ҳақиқий борлиқ орқасида шеърини бир дунёни, руҳий оламни юзага чиқаради.

Бугунги ўзбек тасвирий санъатини жаҳонга ёйиш иштиёқидида тинмай изланиб ижод қиладиган истеъдодли романтик мусаввир Фирдавсий Файзуллох асарлари кўлами, тасвирий санъатда янги мактаб бўлса, ажабмас.

Дилфуза КАМОЛ



«Унутмоқ мумкинми?»

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир:
Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон КИРГИЗБОВ, Рустам ЖУМАЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДУСТМУХАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАЗАРОВ (масъул котиб), Холли НОРБОЙ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Бюртма: Г — 2352.
Сотува нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр КҲУШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.30

Манзилнинг: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошқармасида чоп этилди.
Манзин: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Набатчи: Шерали ИШОНОВ.